

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.9/31.08.2022.I.151.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**НЕМАТУЛЛОЕВ СУХРОБ СОБИРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ФАОЛИЯТИДА**  
**ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ**  
**МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
in Economic Sciences**

**Нематуллоев Сухроб Собирович**

Ўзбекистонда кичик бизнес фаолиятида инвестициялардан самарали  
фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш..... 3

**Нематуллоев Сухроб Собирович**

Совершенствование механизмов эффективного использования  
инвестиций в деятельности малого бизнеса в Узбекистане..... 31

**Nematulloev Sukhrob Sobirovich**

Improving mechanisms of the effective use of investments in small business  
activities in Uzbekistan ..... 59

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 64

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.9/31.08.2022.I.151.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ**

**НЕМАТУЛЛОЕВ СУХРОБ СОБИРОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ФАОЛИЯТИДА**  
**ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ**  
**МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Iqt2388 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.bfa.uz) ва «ZiyoNet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

|                            |   |
|----------------------------|---|
| <b>Илмий раҳбар:</b>       | <b>Гафуров Убайдулло Вахабович</b><br>иқтисодиёт фанлари доктори, профессор   |
| <b>Расмий оппонентлар:</b> | <b>Атаниязов Жасурбек Ҳамидович</b><br>иқтисодиёт фанлари доктори, профессор<br><b>Ахмедов Жавохир Жамолович</b><br>иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори |
| <b>Етакчи ташкилот:</b>    | <b>Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактаби</b>                      |

Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Dsc.9/31.08.2022.1.151.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-54-09; факс: (99871) 237-50-11. E-mail: office@bfa.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-54-09; факс: (99871) 237-50-11. E-mail: office@bfa.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Жумаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Ш.А. Хусанов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.н.

**С.Э. Элмирзаев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон иқтисодиётида кичик бизнес фаолияти тобора мустаҳкам мавқега эга бўлиб, мамлакатларнинг миллий ва халқаро рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Кичик бизнес фаолиятининг юқори самарадорлиги кўплаб омиллар билан бир қаторда инвестициялардан самарали фойдаланишга ҳам боғлиқ. Ўз кўламининг ихчамлиги ва маълум тарзда чекланганлигидан келиб чиқувчи фаолият юритиш хусусиятлари кичик бизнесга инвестициялар киритиш жараёнини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга эҳтиёжни кучайтиради. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида кичик бизнеснинг инвестиция фаолиятини самарали юритишда турли восита ва дастакларни ўз ичига олувчи механизмларни шакллантириш ҳамда замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам ривожланган давлатларда тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг ЯИМ таркибидаги улуши 70-75 фоизни ташкил этади ва иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг асосий қисмини тадбиркорлик субъектларида банд бўлган аҳоли ташкил қилади, жумладан Японияда – 70 фоизни, АҚШда – 80 фоиздан кўпроқ қисмини ташкил қилади<sup>1</sup>.

Ҳозирда жаҳон миқёсида кичик бизнес фаолиятига инвестицияларни, жумладан, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш борасида муҳим илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кичик бизнеснинг иқтисодий фаолият турлари ва ҳудудий жиҳатдан инвестицион жозибадорлигини ошириш, соҳа инвестиция муҳитини такомиллаштириш, кичик бизнес субъектларининг инвестиция жараёнларини рағбатлантириш, улар таркибидаги восита ва дастакларнинг самарадорлигини ошириш, кичик корхона ва микрофирмаларни молиялаштиришнинг янги ва жозибадор дастакларини жорий этиш, турли инвесторлар манфаатларининг уйғунлигини таъминлаш масалалари бу борадаги муҳим илмий тадқиқот йўналишларидан ҳисобланади.

Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама ривожлантиришга эътибор қаратилмоқда. Мазкур соҳани давлат томонидан тизимли қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шарт-шароитлар ва бизнес муҳитининг яратилиши натижасида кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги аҳамияти тобора ошиб бормоқда. “Бизнес муҳит яхшилангани натижасида 2021 йилда тадбиркорлар томонидан 55 мингдан ортиқ бизнес учун бинолар қурилган. Тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлар сони 5 мингтага кўпайиб, 26 мингтага етган”<sup>2</sup>. Кичик бизнеснинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда энг муҳим йўналишлардан бири

<sup>1</sup> Жаҳон банкининг статистик маълумотлари. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил 22 августдаги тадбиркорлар билан очик мулоқотидаги нутқидан. <https://president.uz/uz/lists/view/5449>.

кичик бизнес корхоналари инвестиция фаолиятини кенгайтириш, унинг инвестиция ресурслари манбаини диверсификациялаш ҳисобланади. Бу каби вазифаларнинг самарали амалга оширилиши кичик бизнес корхоналарини молиялаштириш, жумладан, инвестицион кредитлаш, кичик бизнес корхоналари инвестиция дастурлари самарадорлигини ошириш, турли даражадаги инвесторлар манфаатдорлигини уйғунлаштириш, кичик бизнес субъектлари инвестиция муҳитини такомиллаштириш масалаларини илмий жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2018 йил 1 августдаги ПФ-5495-сон “Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2021 йил 25 августдаги ПҚ-5233-сон “Инвестиция лойиҳаларини ташқи инфратузилма билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 20 июндаги ПҚ-3794-сон “Инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини жадал амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 5 мартдаги ПҚ-2836-сон “Инвестиция лойиҳаларининг лойиҳа олди ҳужжатларини ишлаб чиқиш сифатини ошириш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 июлдаги ВМҚ-445-сон “Истиқболли инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 22 июлдаги ВМҚ-616-сон “Инвестиция лойиҳаларини назорат ва мониторинг қилиш соҳасида ахборот тизимини жорий этиш ва ундан фойдаланиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”, 2017 йил 15 майдаги ВМҚ-285-сон “Инвестиция лойиҳалари ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун лойиҳалар ташаббускорлари бўлган ташкилотларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодиёт тармоқларига инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестицияларни жалб этишни тадқиқ этишга қаратилган илмий изланишлар хорижлик иқтисодчи олимларидан Zhilun Jiao., Muhammad Shehryar Shahid., Nawazish Mirza., Zhixiong Tan, Sandip Rakshit., Nazru Islam., Sandeep Mondal., Tripti Paul, Nebojsa S. Davcik., Silvio Cardinali., Piyush Sharma., Elena Cedrola, Ștefan Cristian Gherghina, Mihai Alexandru Botezatu, Alexandra Hosszu, Liliana Nicoleta Simionescu, Shuo Huang, Bach Nguyen, Sonia Baños-Caballero, Pedro J. García-Teruel, Endrit Kromidha., Paul JA Robson, Nana Shonia, Zurab Mushkudiani, Maia Siradze, Lewandowska, A., Bilan, Y., & Mentel, G.,

Kaleemullah A., Ashrafal A., Min (Anna)Du., Toan L. D., Ю.А.Чайран, А.А.Лукьянова, Д.В.Муха ва бошқаларнинг тадқиқот ишларида ўз ифодасини топган<sup>3</sup>. Ўзбекистон шароитида инвестициялар, хусусан, хорижий инвестицияларни жалб этишнинг турли масалаларига оид илмий изланишлар катор олим ва мутахассислар, жумладан А.Ш.Бекмуродов, Д.Ғ.Ғозибеков, Н.Ғ.Каримов, Ш.И.Мустафакулов, Н.Р.Кузиева, Ш.Р.Ражаббаев, Э.И.Носиров, Б.Ш.Муминов, М.А.Раимжанова, С.А.Абдурахимова, Ж.Ж.Ахмедов ва бошқаларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган<sup>4</sup>. Кичик тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг умумий жиҳатлари ўзбекистонлик олимлардан У.В.Гафуров, Д.Т.Юлдашев, Ҳ.П.Абулқосимов, М.М.Ибрагимова<sup>5</sup>, сўнги йилларда кичик бизнес ва тадбиркорликни

<sup>3</sup> Zhilun Jiao., Muhammad Shehryar Shahid., NawazishMirza., Zhixiong Tan “Should the fourth industrial revolution be widespread or confined geographically? A country-level analysis of fintech economies” *Technological Forecasting and Social Change* Volume 163, February 2021, 120442; Sandip Rakshit., Nazru Islam., Sandeep Mondal., Tripti Paul “Influence of blockchain technology in SME internationalization: Evidence from high-tech SMEs in India” *Technovation* Volume 115, July 2022, 102518; Nebojsa S. Davcik., Silvio Cardinali., Piyush Sharma., Elena Cedrola “Exploring the role of international R&D activities in the impact of technological and marketing capabilities on SMEs’ performance” *Journal of Business Research* Volume 128, May 2021, Pages 650-660; Ştefan Cristian Gherghina, Mihai Alexandru Botezatu, Alexandra Hosszu, Liliana Nicoleta Simionescu “Small and Medium-Sized Enterprises (SMEs): The Engine of Economic Growth through Investments and Innovation” *“Economic and Business Aspects of Sustainability”* (ISSN 2071-1050) 2020, 12(1), 347; <https://doi.org/10.3390/su12010347>; Shuo Huang “Does FinTech improve the investment efficiency of enterprises? Evidence from China’s small and medium-sized enterprises” *“Economic Analysis and Policy”* Volume 74, June 2022, Pages 571-586 journal homepage: [www.elsevier.com/locate/eap](http://www.elsevier.com/locate/eap); Bach Nguyen “Small business investment: The importance of financing strategies and social networks” *“International Journal of Finance & Economics”* Volume 27, Issue 3 July 2022 Pages 2849-2872; Sonia Baños-Caballero., Pedro J. García-Teruel “Investment in trade credit in small business start-ups: evidence from Spain during a financial crisis” *“Applied Economics”* Published online: 28 Jun 2022; Endrit Kromidha., Paul JA Robson “The role of digital presence and investment network signals on the internationalisation of small firms” *“International Small Business Journal: Researching Entrepreneurship”* First Published October 4, 2020 ; Nana Shonia, Zurab Mushkudiani, Maia Siradze “Pandemic era and its impact on the investment and business environment –georgian case“ *“Access to Science, Business, Innovation in Digital Economy”* 2022, 3(1), P 7-15.; Lewandowska, A., Bilan, Y., & Mentel, G. (2021). The Impact of Financial Innovation Investment Support on SME Competitiveness. *Journal of Competitiveness*, 13(3), 92–110. <https://doi.org/10.7441/joc.2021.03.06>; Kaleemullah A., Ashrafal A., Min (Anna)Du., Toan L. D. “FinTech, SME efficiency and national culture: Evidence from OECD countries” *Technological Forecasting and Social Change* Volume 163, February 2021, 120454; Чайран Ю.А., Лукьянова А.А. Формирование инвестиционной привлекательности предприятий. //Вестник Сибирского государственного аэрокосмического университета имени академика М.Ф.Решетнева, 2010.; Муха Д.В. Эффективность привлечения прямых иностранных инвестиций в Республику Беларусь. //Белорусский экономический журнал. 2013. № 1. – С.46-63.

<sup>4</sup> Бекмуродов А.Ш. Государство как эффективный институт обеспечения инвестиционного развития экономики: опыт Республики Узбекистан. *Экономический вестник Узбекистана*, №3-4, 2017.; Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: Молия, 2003. - 330 б.; Каримов Н.Ғ. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестицияларни молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш муаммолари. И.ф.д. ... дисс. автореферати. - Т., 2007.; Мустафакулов Ш.И. Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш. И.ф.д. (DSc)... дисс. автореферати. – Т., 2017.; Кузиева Н.Р. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш йўналишлари. И.ф.д. ... диссертация. – Т., 2008.; Ражаббаев Ш.Р. Ўзбекистон валюта сиёсатининг хорижий инвестицияларни жалб этишга таъсири. И.ф.н. ... диссертация. – Т., 2008.; Ғозибеков Д.Ғ., Носиров Э.И. Ўзбекистон иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб қилиш. Рисола. – Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2007. – 92 б.; Муминов Б.Ш. Ўзбекистон иқтисодиётида марказлашган инвестицияларнинг самарadorлигини ошириш йўллари. И.ф.н. ... диссертацияси. – Т., 2012; Раимжанова М.А. Ўзбекистонда эркин иқтисодий ҳудудларга инвестицияларни жалб қилишни фаоллаштириш. И.ф.н. ... диссертация. – Т., 2012.; Абдурахимова С.А. Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солиш. И.ф.н. ... диссертация. – Т., 2012.; Ахмедов Ж.Ж. Хорижий инвестицияларни жалб этишнинг молиявий-иқтисодий самарadorлиги (Ўзбекистон фармацевтика саноати мисолида). И.ф.ф.д. ... диссертация. – Т., 2019.

<sup>5</sup> Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини

ривожлантиришнинг турли соҳаларида илмий иш олиб борган олимлардан З.А.Хамидова, О.Т.Эргашев, Ш.Б.Салимов, Б.Б.Мирзахаликов, А.О.Жузбаев, Ф.А.Ибрагимов, Н.Ж.Носирова, И.Э.Кенжаев<sup>6</sup> ва бошқаларнинг ишларида баён этилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, юқорида қайд этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига оид кўплаб тадқиқот ишлари амалга оширилганига қарамай, кичик бизнесда инвестициялардан самарали фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини очиб берувчи илмий тадқиқотлар етарли эмас. Айниқса, инвестициялардан самарали фойдаланишни таъминловчи иқтисодий механизмларни такомиллаштириш масалаларига етарлича эътибор қаратилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг «Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг барқарор ривожланиши шароитида банк-молия, солиқ ва инвестиция фаолиятини модернизациялаш муаммоларини илмий ишлаб чиқиш» илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда кичик бизнес фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш юзасидан илмий-услубий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

кичик бизнес фаолиятига инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос хусусиятларини очиб бериш;

кичик бизнес фаолиятига инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишга таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш;

---

такомиллаштириш. Монография. – Т.: Молия, 2016. – 208 б.; Юлдашев Д.Т. Оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. Автореф. ... икт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2019; Абулқосимов Х.П., Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. Монография. – Т.: Университет, 2015. – 126 б.; Ибрагимова М.М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг таркибий ўзгаришлар асосида самарадорлигини ошириш (Наманган вилояти мисолида). Автореф. ... икт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2018.

<sup>6</sup> Хамидова З.А. Ҳунармандчилик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг ретроспектив ва замонавий жиҳатлари (Амир Темур даври мисолида). Автореф. ... икт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2021; Эргашев О.Т. Ўзбекистонда кичик бизнес субъектларини ривожлантиришнинг молия-кредит механизмини такомиллаштириш. Автореф. ... икт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2021; Салимов Ш.Б. Кичик бизнес корхоналарида инновацион фаолиятни ривожлантириш. Автореф. ... икт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2022; Мирзахаликов Б.Б. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий-иқтисодий барқарорлигини ошириш йўллари. Автореф. ... икт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2022; Жузбаев А.О. Кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялаштириш механизмини такомиллаштириш (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида). Автореф. ... икт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2022; Ибрагимов Ф.А. Кичик бизнес субъектларининг экспорт фаолиятини такомиллаштириш. Автореф. ... икт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2022; Носирова Н.Ж. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини ошириш. Автореф. ... икт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2022.; Кенжаев И.Э. Кичик бизнесда хорижий инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш (Наманган вилояти мисолида). Автореф. ... икт. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD). – Т., 2022.

кичик бизнес фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш даражасини баҳолашнинг услубий жиҳатларини ўрганиш, уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқ ва ҳудудларида кичик бизнес фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилиш асосида асосий тенденцияларини очиб бериш;

кичик бизнес фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланишга инвестицион ва бизнес муҳит таъсирини баҳолаш;

кичик бизнес секторига жалб этилган инвестициялар таркибини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш;

турли даражадаги инвесторлар манфаатдорлигини уйғунлаштириш механизминини кучайтириш йўллари аниқлаш;

кичик бизнес инфратузилмасини ривожлантириш ва махсус инвестицион муҳитни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистондаги кичик бизнес субъектларининг инвестиция фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** Ўзбекистонда кичик бизнес фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш жараёнида юзага келувчи иқтисодий муносабатлардан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида илмий абстракция, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, монографик кузатиш, эксперт баҳолаш, таққослаш, статистик гуруҳлаш, тизимли таҳлил, график ифодалаш усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ягона технологик ишлаб чиқариш занжирининг (масалан, хомашё етказувчи, яримтайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва ҳ.к.) потенциал “бўғинлари” сифатида майдонга чиқиши мумкин бўлган корхоналар гуруҳини биргаликда инвестицион кредитлаш тартиби таклиф этилган;

ҳудудлар кичик бизнес корхоналаридаги асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажминини ошириш учун “тармоқ + ҳудуд” кесимидаги кичик бизнес корхоналари инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш таклифи асосланган;

турли даражадаги инвесторлар манфаатдорлигини уйғунлаштириш механизминини кучайтириш мақсадида ҳар бир тармоқ кесимида инвестиция сиёсатининг кичик бизнес субъектлари учун мўлжалланган махсус қисминини шакллантириш таклифи ишлаб чиқилган;

тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлашда муайян корхона хусусий инвестиция муҳитининг тегишли тармоқ бўйича қулай инвестиция муҳити мукамал (максимал) шартларига мувофиқлиги даражасини ҳисобга олиш таклифи асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес фаолиятига инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш асосида инвестициялардан самарали фойдаланишга таъсир кўрсатувчи омиллар аниқланган;

кичик бизнес фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш даражасини баҳолашнинг услубий жиҳатларини тизимга солиш орқали уни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда иқтисодиёт тармоқ ва ҳудудларида кичик бизнес фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланишнинг ҳолатини таҳлил қилиш асосида асосий тенденциялари очиқ берилган;

кичик бизнес фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланишга инвестицион ва бизнес муҳитнинг таъсири баҳолаиб, инвестициялар таркибини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация тадқиқотида олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги ишда қўлланилган методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олинганлиги, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг Ўзбекистон Республикаси “Микрокредитбанк” АТБ томонидан маъқулланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти улардан кичик бизнес фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштиришга оид илмий-услубий аппаратни ҳамда мавзуга оид махсус илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган таклифлар ва амалий тавсиялардан кичик бизнес фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган дастурий ҳужжатларда, соҳани самарали ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистонда кичик бизнес фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш юзасидан ишлаб чиқилган илмий-услубий ва амалий тавсиялар асосида:

ягона технологик ишлаб чиқариш занжирининг (масалан, хомашё етказувчи, яримтайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва ҳ.к.) потенциал “бўғинлари” сифатида майдонга чиқиши мумкин бўлган корхоналар гуруҳининг биргалиқда инвестицион кредитлаш тартибини қўллаш таклифидан Ўзбекистон Республикаси “Микрокредитбанк” АТБнинг 2022 йил учун кредит сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Микрокредитбанк” АТБнинг 2022 йил 25 июлдаги 03-40/9300-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида банк томонидан кичик

бизнес субъектларига ажратилаётган инвестицион кредитлардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда қайтарилиш даражаси ошган;

худудлар кичик бизнес корхоналаридаги асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини ошириш учун “тармоқ + ҳудуд” кесимидаги кичик бизнес корхоналари инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш тақлифидан Ўзбекистон Республикаси “Микрокредитбанк” АТБнинг инвестициялар дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича йўл хариталарини тайёрлашда фойдаланилган (“Микрокредитбанк” АТБнинг 2022 йил 25 июлдаги 03-40/9300-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида банк томонидан кичик бизнес субъектлари асосий капиталга киритилаётган инвестициялар ҳажмини ошириш имкони яратилган;

турли даражадаги инвесторлар манфаатдорлигини уйғунлаштириш механизмини кучайтириш мақсадида ҳар бир тармоқ кесимида инвестиция сиёсатининг кичик бизнес субъектлари учун мўлжалланган махсус қисмини шакллантириш тақлифидан Ўзбекистон Республикаси “Микрокредитбанк” АТБнинг 2022 йил учун кредит сиёсатини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“Микрокредитбанк” АТБнинг 2022 йил 25 июлдаги 03-40/9300-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида банк томонидан кичик бизнес субъектларига инвестицион кредитларнинг ажратилишида тармоқлар ва соҳалар кесимида турли даражадаги инвесторлар манфаатдорлигини ҳисобга олиш имкони яратилган;

тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлашда муайян корхона хусусий инвестиция муҳитининг тегишли тармоқ бўйича қулай инвестиция муҳити мукамал (максимал) шартларига мувофиқлиги даражасини ҳисобга олиш тақлифидан Ўзбекистон Республикаси “Микрокредитбанк” АТБнинг инвестициялар дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича йўл хариталарини тайёрлашда фойдаланилган (“Микрокредитбанк” АТБнинг 2022 йил 25 июлдаги 03-40/9300-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида банк томонидан кичик бизнес субъектлари фаолиятини кредитлашда ҳар бир корхонанинг инвестиция муҳити хусусиятлари ва уларнинг кредит ресурсларидан самарали фойдаланилишни таъминлашни аниқлаш имкони яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация тадқиқоти натижалари 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза қилинган ва маъқулланган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шу жумладан, ОАК эътироф этган маҳаллий журналларда 4 та, нуфузли хорижий журналларда 1 та мақола шунингдек, халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда 8 та маъруза тезислари нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация тадқиқотининг **кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти асосланган, диссертация иши натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги ва синовдан ўтганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар ўз ифодасини топган.

Диссертациянинг **“Кичик бизнес фаолиятига инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишнинг илмий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида кичик бизнесга инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишнинг илмий-услубий, кичик бизнес фаолиятига инвестицияларни жалб этишнинг ўзига хос хусусиятлари, кичик бизнес фаолиятига инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишга таъсир кўрсатувчи омиллар, кичик бизнес фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш даражасини баҳолашнинг услубий жиҳатлари, назарий қарашлар таҳлил қилинган ҳамда илғор хорижий тажрибаси ўрганилган ва умумлаштирилган.

Муаллифнинг фикрича, кичик бизнес фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари инвестицияларни жалб этиш жараёнига ҳам ўз таъсирини кўрсатади, жумладан:

кичик бизнес субъектларининг муайян жиҳатдан (масалан, ишловчилар сони, капитал ҳажми, йиллик сотув ҳажми, даромад (фойда) ҳажми ва ҳ.к.) миқёсларининг чекланганлиги жалб қилинадиган инвестиция маблағлари ҳажмининг ҳам нисбатан кам бўлишига олиб келади;

кичик бизнеснинг миқёс жиҳатдан чекланганлиги унинг фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда ўз маблағлари етишмаслиги, бунинг оқибатида, қарз маблағларига эҳтиёжнинг бирмунча кучли бўлишига олиб келади;

кичик бизнесда инвестициялар кўпроқ бошланғич капитал сифатида тақозо этилади ҳамда муддати жиҳатидан қисқа ва ўрта муддатга мўлжалланган бўлади;

кичик бизнесда инвестицияларнинг салмоқли қисми реал инвестиция сифатида намоён бўлади; кўп ҳолатларда қимматли қоғозлар бозоридаги иштирокининг нисбатан сустлиги туфайли уни портфель инвестиция шаклида амалга ошириш нисбатан кам учрайди.

Сергеев И.В. ва бошқалар инвестициялардан самарали фойдаланишга таъсир этувчи омилларни турли гуруҳларга бўлиб ўрганганлар. Уларнинг фикрича, илмий адабиётларда инвестиция фаолияти ва инвестиция самарадорлигига таъсир этувчи омиллар етарли даражада ёритилмаган, бу масалани тадқиқ қилишда муаллифлар орасида умумий нуқтаи назар мавжуд

эмас<sup>7</sup>. Инвестициялар самарадорлигига таъсир этувчи омилларни таснифлаш мезонлари ва таснифий гуруҳларини қуйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Инвестициялар самарадорлигига таъсир этувчи омилларни таснифлаш мезонлари<sup>8</sup>

| Мезонлар                     | Таснифий гуруҳлар   |
|------------------------------|---|
| Таъсир кўламига кўра         | - макродаражада;<br>- минтақавий (худудий) даражада;<br>- корхона (ташкilot) даражасида   |
| Таъсир йўналишига кўра       | - инвестиция фаолиятига ижобий таъсир кўрсатувчи омиллар;<br>- инвестициялар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар   |
| Юзага келиш хусусиятига кўра | - объектив, яъни инсон фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, аммо табиий ёки шунга ўхшаш ходисалар оқибатида юзага келадиган омиллар;<br>- субъектив, яъни инсон фаолияти, хусусан, бошқарув ва ижодий фаолияти туфайли юзага келадиган омиллар |
| Вужудга келиш вақтига кўра   | - вақтинчалик;<br>- доимий  |
| Таъсир даражасига кўра       | - муҳим таъсир этувчи;<br>- аҳамияти кам таъсир этувчи;<br>- кучсиз таъсирга этувчи   |

Ҳозирги кунда илмий-услубий манбаларда инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг кўплаб усуллари мавжуд бўлиб, уларнинг афзаллик ва камчиликларини қуйидаги жадвал орқали кўриш мумкин (2-жадвал).

### 2-жадвал

#### Инвестициялар самарадорлигини баҳолаш турли усулларининг инвестор нуқтаи назаридан афзаллик ва камчилик томонлари<sup>9</sup>

| Усул                          | Афзаллиги  | Камчилиги  |
|-------------------------------|--|--|
| Net Present Value (NPV)       | Кенг тарқалган метод, прогноз нархининг жорий қийматини акс эттиради, тижорий самарадорликни аниқлайди | Лойиҳа бошидан унинг рентабеллиги ва молиявий барқарорлиги ҳақида тўғри қарор чиқаришга имкон бермайди |
| Internal rate of return (IRR) | Фоизда ҳисобланади, NPV га қараганда қиймат ҳақида қулай, яъни аниқроқ маълумот беради                 | Лойиҳа пул оқими структурасига жуда таъсирчан ҳисобланади  |
| Profitability Index (PI)      | Бир қатор муқобил лойиҳалардан битта лойиҳани танлаш учун қулай ҳисобланади                            | Лойиҳа кўламига жуда таъсирчан ҳисобланади   |
| Payback period (PP)           | Оддий ҳисоблаш усули, лойиҳанинг ликвидлиги ва рисклари ҳақида тўғри қарор чиқаришга имкон беради      | Сўнги даврдаги даромадлари таъсирини ҳисобга олмайди, молиявий ресурслар ўзгаришини ҳисобга олмайди    |
| Discount Payback Period (DPP) | Лойиҳанинг ликвидлиги ва рисклари ҳақида тўғри қарор чиқаришга имкон беради                            | Лойиҳанинг ўзини-ўзи қоплаш даври тугагандан кейин пул тушумларни ҳисобга олмайди                      |

<sup>7</sup> Сергеев И.В., Веретенникова И.И., Яновский В.В. Организация и финансирование инвестиций. – М., 2010. – 320 с.


<sup>8</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

<sup>9</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Мазкур ўзига хос усулларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, уларнинг афзаллик ва камчилик жиҳатларини эътиборга олган ҳолда нисбатан мувофиқ келувчи усулдан фойдаланиш инвестициялар самарадорлигини аниқроқ баҳолаш имконини беради.

Диссертациянинг “Ўзбекистонда кичик бизнес фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш даражаси” деб номланган иккинчи бобида кичик бизнес фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш даражаси таҳлил қилиниб, мавжуд тенденциялар аниқланган ҳамда мавжуд амалиётга таъсир қилаётган омилларнинг таъсир даражасига баҳо берилган.

Ўзбекистонда кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари асосий капиталга инвестицияларни ўзлаштириш ҳажми ошиб бормокда. Жумладан, 2019 йилда кичик бизнес субъектларига жалб қилинган инвестициялар ҳажми 89264,4 млрд. сўмни, 2020 йилда 96629,2 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилда 109202,2 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилган (1-расм).



**1-расм. 2015-2021 йилларда асосий капиталга инвестициялар ва улардаги кичик бизнес ва тадбиркорлик улуши (млрд. сўм)<sup>10</sup>**

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Таҳлиллар кўрсатадики, кичик корхона ва микрофирмалар асосий капиталига киритилган инвестицияларнинг молиялаштириш манбалари таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталига киритилган инвестициялари, молиялаштириш манбалари бўйича (фермер ва деҳқон хўжаликларисиз; млрд. сўм)<sup>11</sup>

| Кўрсаткичлар   | 2015 й. |      | 2016 й. |      | 2017 й. |      | 2018 й. |      | 2019 й. |      | 2020 й. |      | 2021 й. |      |
|--|---------|------|---------|------|---------|------|---------|------|---------|------|---------|------|---------|------|
| Асосий капиталга инвестициялар   | 6523,4  | 100  | 8442,4  | 100  | 14076,7 | 100  | 31651,3 | 100  | 70650,2 | 100  | 77487,9 | 100  | 85221,1 | 100  |
| Шу жумладан:   |         |      |         |      |         |      |         |      |         |      |         |      |         |      |
| Корхонанинг ўз маблағлари  | 3624,7  | 55,6 | 4702,7  | 55,7 | 7385,5  | 52,3 | 13358,8 | 42,2 | 14080,4 | 19,9 | 28572,6 | 36,9 | 26130,8 | 30,7 |
| Чет эл инвесторлари маблағлари, уларнинг реинвестицияларини қўшган ҳолда | 329,8   | 5,1  | 862,4   | 10,2 | 886,3   | 6,3  | 3940,8  | 12,5 | 33641,8 | 47,6 | 19582,8 | 25,3 | 26888,0 | 31,6 |
| Чет эл кредитлари  | 509,9   | 7,8  | 185,1   | 2,2  | 497,2   | 3,5  | 1657,8  | 5,2  | 10680,2 | 15,1 | 18427,3 | 23,8 | 19873,8 | 23,3 |
| Банк кредитлари  | 1712,0  | 26,2 | 2159,1  | 25,6 | 4699,2  | 33,4 | 11342,0 | 35,8 | 11144,1 | 15,8 | 10411,4 | 13,4 | 11700,3 | 13,7 |
| Бошқалар   | 347,0   | 5,3  | 533,1   | 6,3  | 635,5   | 4,5  | 1351,9  | 4,3  | 1103,7  | 1,6  | 493,8   | 0,6  | 628,2   | 0,7  |

Кичик бизнес фаолиятига жалб қилинган инвестицияларнинг асосий қисми (46 фоизи) саноат тармоғига тўғри келади. Умуман, кичик бизнесга жалб қилинаётган инвестициялар йилдан-йилга ошиб бориши соҳадаги барча соҳалар ривожланиб боришига асос бўлган.

Ҳудудлар бўйича кичик корхоналар ва микрофирмаларнинг асосий капиталига киритилган инвестицияларнинг аҳамиятли улуши Тошкент шаҳрига тўғри келади (2021 йилда 21388,2 млрд. сўм). Кейинги ўринлар Тошкент вилояти (11105,8 млрд. сўм), Наманган (6591,3 млрд. сўм), Самарқанд (6249,4 млрд. сўм), Жиззах (5480,5 млрд. сўм), Бухоро (5129,1 млрд. сўм) вилоятлари кичик бизнес субъектларига тўғри келади.

Диссертация ишида хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароитлар яратувчи муҳим меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилиб, уларда белгиланган чора-тадбирларнинг кичик бизнес субъектларининг самарали инвестиция фаолиятини таъминлаш жиҳатидан етарлилик даражаси таҳлил қилинган. Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий мақсади мамлакатдаги инвестицион ва бизнес муҳитнинг жозибдорлигини яхшилаш ва инвесторлар ҳуқуқини ҳимоя

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан таҳлил қилинди.

қилишга қаратилган бўлиб, кейинги йилларда мазкур жараён тобора фаоллашиб бормоқда.

#### 4-жадвал

### Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишининг асосий кўрсаткичлари<sup>12</sup>

| Йиллар      | КБ ЯИМдаги салмоғи (%) | КБ банд бўлганлар сони (млн. киши) | КБ ажратилган банк кредитлари (млрд. сўм) | Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми (млрд. сўм) | Ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми (млрд сўм) | Қурилиш ишлари (млрд. сўм) | Хизматлар кўрсатиш ҳажми (млрд. сўм) | Экспорт ҳажми (млн. АҚШ доллари) |
|-------------|------------------------|------------------------------------|---|---|--|----------------------------|--------------------------------------|----------------------------------|
| <b>2010</b> | 52,5                   | 8,6                                | 2 690,20                                  | 6 568,8   | 4 745,8                                      | 4 278,5                    | 3 776,3                              | 1 774,3                          |
| <b>2011</b> | 54                     | 8,9                                | 4 041,10                                  | 8 742,7   | 5 788,4                                      | 6 513,8                    | 4 893,9                              | 2 827,6                          |
| <b>2012</b> | 54,6                   | 9,2                                | 5 345,80                                  | 11 253,1  | 7 767,3                                      | 7 996,3                    | 6 146,4                              | 2 238,1                          |
| <b>2013</b> | 55,8                   | 9,5                                | 6 981,60                                  | 15 181,8  | 9 219,9                                      | 10 848,2                   | 8 544,5                              | 2 709,2                          |
| <b>2014</b> | 56,1                   | 9,9                                | 9 158,00                                  | 23 967,2  | 11 716,6                                     | 13 896,9                   | 11 004,3                             | 3 661,9                          |
| <b>2015</b> | 62,9                   | 10,2                               | 12 112,00                                 | 39 643,5  | 18 072,1                                     | 16 954,0                   | 47 269,6                             | 3 377,7                          |
| <b>2016</b> | 64,9                   | 10,4                               | 15 900,00                                 | 50 654,5  | 20 944,2                                     | 19 671,0                   | 61 346,2                             | 3 139,2                          |
| <b>2017</b> | 63,6                   | 10,54                              | 19 565,00                                 | 61 367,8  | 27 515,0                                     | 22 469,5                   | 69 212,7                             | 2 759,3                          |
| <b>2018</b> | 59,4                   | 10,13                              | 30 648,90                                 | 87 962,0  | 47 225,2                                     | 37 451,7                   | 84 433,4                             | 3 810,8                          |
| <b>2019</b> | 56,5                   | 10,31                              | 55 430,00                                 | 83 344,2  | 89 352,0                                     | 51 949,8                   | 103 106,6                            | 5 135,7                          |
| <b>2020</b> | 55,5                   | 9,86                               | 48 389,7                                  | 103020,8  | 96 629,2                                     | 63 866,6                   | 114 052,7                            | 3 100,9                          |
| <b>2021</b> | 54,9                   | 10,07                              | 59 552,1                                  | 121719,2  | 109 202,2                                    | 77 762,0                   | 144 812,7                            | 3 711,2                          |

Юқоридаги жадвални таҳлил қилинса, йиллар давомида барча соҳанинг ўсиш суръатларини кузатиш мумкин. Жумладан, ўзлаштирилган инвестициялар 2010 йилда 4 745,8 млрд. сўмни, 2015 йилда 18 072,1 млрд. сўмни, 2019 йилда инвестициялар 89 352,0 млрд. сўмни, 2021 йилда эса 109 202,2 млрд. сўмни ташкил этган. Кичик бизнесга ажратилган банк кредитлари 2010 йилда 2 690,20 млрд. сўмни, 2015 йилда 12 112,0 млрд. сўмни, 2018 йилда 30 648,90 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2019 йилда 55 430,0 млрд. сўмни ташкил этганини кузатиш мумкин. Аммо 2020 йилдаги карантин ҳолати туфайли ажратилган кредитлар салмоғи пасайиб, 48 389,7 млрд. сўмни ташкил этган.

Келтирилган маълумотлардан эмперик таҳлил амалга оширилса, кичик бизнесда ўзлаштирилган инвестициялар ҳажмини ҳамда кичик бизнесда банд бўлган аҳоли сонини ялпи ички маҳсулотдаги ҳажмига қанчалик таъсир этишини кўриш мумкин.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

## (MS Excel) Регрессия таҳлили

| <i>Regression Statistics</i>                   |                     |                       |               |                |                  |                  |
|--|---------------------|-----------------------|---------------|----------------|------------------|------------------|
| Multiple R                                     | 0,99                |                       |               |                |                  |                  |
| R Square                                       | 0,98                |                       |               |                |                  |                  |
| Adjusted R Square                              | 0,97                |                       |               |                |                  |                  |
| Standard Error                                 | 20117,3             |                       |               |                |                  |                  |
| Observations                                   | 12                  |                       |               |                |                  |                  |
|  | <i>Coefficients</i> | <i>Standard Error</i> | <i>t Stat</i> | <i>P-value</i> | <i>Lower 95%</i> | <i>Upper 95%</i> |
| Intercept                                      | -377859,08          | 104805,57             | -3,61         | 0,01           | -614945,76       | -140772,41       |
| X 1<br>Ўзлаштирилган<br>инвестициялар<br>ҳажми | 2,63                | 0,17                  | 15,03         | 0,00           | 2,23             | 3,02             |
| X 2 Кичик<br>бизнесда банд<br>бўлганлар сони   | 46849,01            | 10960,09              | 4,27          | 0,00           | 22055,56         | 71642,47         |


Ўзлаштирилган инвестициялар 1 бирликка ошиши кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарадиган маҳсулотини 2.63 бирликка ошишига олиб келади.

Кичик бизнес субъектларида банд бўлган аҳолининг 1 бирликка ошиши кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 0.046 бирликка ошишига олиб келади. Бу натижа статистик жиҳатдан аҳамиятли.  $R^2$  -0,97 га тенг бўлиб, маълумотлар моделга мослигини кўрсатади.

Тадқиқот натижалари кўрсатадики, ягона технологик ишлаб чиқариш занжирининг (масалан, хомашё етказувчи, яримтайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва ҳ.к.) потенциал “бўғинлари” сифатида майдонга чиқиши мумкин бўлган корхоналар гуруҳини биргаликда инвестицион кредитлаш тартибини қўллаш, банк томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилаётган инвестицион кредитлардан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда қайтарилиш даражаси ошишига хизмат қилади.

Диссертациянинг “Ўзбекистонда кичик бизнес фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш йўллари” деб номланган учинчи бобда мамлакатимиздаги кичик бизнес корхоналари фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш, аввало, мазкур секторга жалб этилган инвестициялар таркибини такомиллаштириш масалалари ўрганилган.


Тадқиқот натижаларига кўра, инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланиш улар таркибий тузилмасининг ҳолатига боғлиқ (2-расм).



**2-расм. Кичик бизнесда инвестиция ресурслари таркибий тузилмаси ҳолатининг улардан самарали фойдаланишга таъсири<sup>13</sup>**

Агар инвестицияларнинг мамлакат ҳудудлари, иқтисодиёт тармоқлари, асосий капиталга қўйилмаларнинг технологик тузилиши, йўналишлари, молиялаштириш манбалари бўйича таркибий тузилмаси бозор механизми талаблари таъсири остида, оптимал тарзда шаклланса, у ҳолда инвестициялардан фойдаланиш ҳам самарали бўлади. Иқтисодиётда маъмурий тақсимот дастаклари устувор амал қилган шароитда эса муқаррар равишда ушбу нисбатлар бузилиши юзага келади. Шунга кўра, инвестицияларнинг таркибий тузилишини тартибга солишга эҳтиёж сезилади.

Кичик бизнес секторига жалб этилган инвестициялар таркибининг такомиллашув жараёнларини қуйидаги расмдаги схема орқали ифодалаш мумкин (3-расм).



**3-расм. Кичик бизнес секторига жалб этилган инвестициялар таркибининг такомиллашуви жараёнлари схемаси<sup>14</sup>**

<sup>13</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

<sup>14</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Расмдан кўринадики, инвестициялар таркибий тузилмасининг шаклланишига объектив ва субъектив тавсифдаги жараёнлар ўз таъсирини кўрсатади. Масалан, объектив жараёнлар сифатида шуни қайд этиш мумкинки, якка тадбиркор, микрофирма ва кичик корхоналарнинг салмоқли қисмининг фаолияти маҳаллий инвестицион ресурс ҳисобига таъминланади. Шу жиҳатдан, инвестицияларнинг маълум қисми нисбатан “ўтроқ”, яъни улар ҳудудлараро инвестицион шароитлар (фойда нормаси, фоиз ставкаси, сифатли инфратузилма, юқори талабли бозорлар, имтиёз ва енгилликлар ва ҳ.к.) таъсирига у қадар берилмаслиги мумкин. Бироқ шундай ҳолатда ҳам, маълум даражада маҳаллий инвестицион ресурсларнинг юқоридаги омиллар таъсири остида ҳаракатланиши муқаррар.

Шунга кўра, муаллифнинг фикрича, ушбу вилоятлар кичик бизнес корхоналаридаги асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини ошириш учун “тармоқ + ҳудуд” кесимидаги кичик бизнес корхоналари инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ (4-расм).



**4-расм. “Тармоқ + ҳудуд” кесимидаги кичик бизнес корхоналари инвестиция дастурлари<sup>15</sup>**

Мазкур ҳудудлардаги кичик бизнес корхоналари асосий капиталига, инвестициялар солиштирма салмоғининг кичиклигига ҳудуд иқтисодиётида кичик бизнес фаоллиги ҳамда ҳудуд аҳолиси инвестицион салоҳиятининг

<sup>15</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

пастлиги сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатда мазкур корхоналар инвестиция фаолиятини бевосита давлат ёки ҳудуд иқтисодий дастурлари орқали қўллаб-қувватлаш самарадорлиги пасайиб кетади. Шу боис, амалдаги ҳамда кейинги босқичларда ишлаб чиқиладиган ҳудуд ва тармоқ инвестиция дастурларида мақсадли инвестициялар улушини ошириш лозим. Мазкур дастурларнинг аҳамиятли жиҳати, уларда шакллантирилаётган инвестиция объектлари мазкур маблағларнинг маълум қисмини турли кўринишдаги иқтисодий ҳамкорликлар (масалан, давлат-хусусий шериклиги, кооперацион ҳамкорлик, субпудрат, давлат буюртмасининг бир қисмини бериш, тижорат ҳамкорлиги ва ҳ.к.) асосида кичик бизнес корхоналарига ўтказадилар.

Тадқиқот натижаларига кўра, инвесторларнинг тавсифий белгиларига кўра турлари фарқ қилиб, бу уларнинг кичик бизнес субъектлари фаолиятига инвестиция киритиш жиҳатидан манфаатдорликларининг ҳам фарқланишига олиб келади. Бунинг асосий сабаби турли даражадаги инвесторларнинг кичик бизнес инвестиция жараёнларида иштирок этишдан манфаатдорлик даражаларидаги тафовутлар ҳисобланади.

Кичик бизнес корхоналарини молиялаштириш манбаларига кўра инвесторларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- 1) давлат (Д) – бюджет маблағлари, мақсадли ва захира жамғармалар маблағлари, хорижий кредитларга кафолат бериш орқали;
- 2) корхона (К) – ўзининг хусусий маблағлари орқали;
- 3) аҳоли (А) – аҳоли тасарруфидаги маблағларни қарзга олиш, пайчилик, ҳиссадорлик ва бошқа воситалар орқали жалб этиш орқали;
- 4) хорижий инвестор (ХИ) – тўғридан-тўғри инвестиция киритиш ёки кредит тақдим этиш орқали;
- 5) тижорат банки (ТБ) – кредит тақдим этиш орқали.

Мазкур инвесторлар гуруҳи мамлакатимиздаги кичик бизнес субъектларининг инвестицион фаолиятидаги инвестиция ресурсларига эҳтиёжи  $\text{Э}_{\text{ИР}}$  ни қондиришда иштирок этади:

$$\text{Э}_{\text{ИР}} = \alpha_1 \times \text{Д} + \alpha_2 \times \text{К} + \alpha_3 \times \text{А} + \alpha_4 \times \text{ХИ} + \alpha_5 \times \text{ТБ},$$

бу ерда:  $\alpha$  – муайян инвесторлар гуруҳининг кичик бизнес корхоналарига киритилган инвестиция маблағлари таркибидаги солиштирма салмоғи коэффициентлари ( $\alpha_1 + \dots + \alpha_5 = 1$ ).

Ўзбекистонда инвесторлар турли гуруҳлари бўйича манфаатдорликнинг ўзгаришини умумий асосий капитал ҳамда кичик бизнес корхоналарига инвестициялар молиялаштириш манбаларининг солиштирма салмоғини ўзаро таққослаш орқали ҳам кузатиш мумкин (б-жадвал).

**Ўзбекистонда умумий асосий капиталга ҳамда кичик бизнес  
корхоналарига инвестициялар молиялаштириш манбаларининг  
солиштирма салмоғи (2020 йил)<sup>16</sup>**

| <b>Молиялаштириш манбалари</b>   | <b>Умумий</b> | <b>КБ<br/>корхоналари</b> |
|--|---------------|---------------------------|
| Корхонанинг ўз маблағлари  | 25,7          | 19,9                      |
| Чет эл инвесторлари маблағлари, уларнинг реинвестицияларини қўшган ҳолда | 14,2          | 47,6                      |
| Чет эл кредитлари  | 28,7          | 15,1                      |
| Банк кредитлари  | 14,1          | 15,8                      |
| Бошқалар   | 17,3          | 1,6                       |

Жадвал маълумотлари орқали йирик корхоналар ва кичик бизнес субъектлари инвестиция фаолиятига тегишли айрим ёндашув ҳамда таъкидлар бўйича янгича фикр-мулоҳазаларни илгари суриш мумкин. Жумладан:

1) одатда, кичик бизнес корхоналари инвестиция манбаларининг салмоқли қисмини корхонанинг ўз маблағлари ташкил этади, деб таъкидланади. Маълумотларга кўра, бу кўрсаткич умумий корхоналарда 25,7 %ни ташкил этгани ҳолда, кичик бизнес корхоналарида 19,9 %ни ташкил этмоқда. Яъни корхонанинг ўз маблағлари ҳисобига инвестициялаш йирик корхоналарда нисбатан кенгроқ тарзда амалга ошмоқда. Бу эса кичик бизнес субъектлари инвестиция фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишда муҳим маълумотлардан бири ҳисобланади;

2) инвестициялаш манбалари сифатида хорижий инвесторлари маблағлари умумий ҳолда 14,2 %ни ташкил этгани ҳолда, кичик бизнес корхоналарида 47,6 %ни ташкил этмоқда. Бу эса шу кунга қадар устунлик қилиб келган “хорижий инвесторлар кичик бизнес субъектларига инвестиция объекти сифатида у қадар катта қизиқиш билдирмайдилар” деган фикрга зид келади. Демак, бугунги кунда кичик бизнес субъектлари ҳам хорижий инвестицияларни ўзига жалб этиш имконига эга;

3) хорижий кредитларини жалб этиш нуқтаи назаридан умумий корхоналар мавжуд ёндашувларга мувофиқ ҳолда нисбий устунликка эга – 28,7 %. Бироқ хорижий кредитлар кичик бизнес корхоналари инвестициялаш манбаи таркибида ҳам аҳамиятли салмоққа эга – 15,1 %. Бу, асосан, хорижий кредит ташкилотлари ва халқаро молия институтларининг миллий тижорат банкларида кредит линияларини очиш жараёнлари кенгайиши орқали изоҳланади;

4) тижорат банклари кредитлари нуқтаи назаридан умумий корхоналардаги салмоққа (14,1 %) нисбатан кичик бизнес корхоналари

<sup>16</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

салмоғи (15,8 %) бир оз устунликка эга. Бу ҳам кейинги йилларда кичик бизнес субъектларига кредит ажратиш жараёнларининг сезиларли равишда кенгайиши билан боғлиқ.

Кичик бизнес субъектлари фаолиятига инвесторлар гуруҳи томонидан амалга оширилаётган инвестициялаш жараёнлари ўзининг асосий жиҳатлари ва ундан кўзда тутилган манфаатлар бўйича фарқланади (7-жадвал).

#### 7-жадвал

### Кичик бизнес субъектлари инвестициялаш жараёнларининг инвесторлар гуруҳлари бўйича фарқланиши<sup>17</sup>

| Инвесторлар гуруҳлари | Инвестициялашнинг асосий жиҳатлари   | Инвестициялашдан кўзда тутилган манфаатлар   |
|-----------------------|--|--|
| Давлат                | Ижтимоий функциясини амалга ошириш<br>Ижтимоий мақсадларга эришиш<br>Давлат молиявий ресурсларини самарали тақсимлаш<br>Хорижий инвестицияларни жалб этишни билвосита рағбатлантириш | Ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва самарадорликни таъминлаш   |
| Корхона               | Ўз хусусий маблағларини инвестициялаш ва реинвестициялаш   | Корхона фаолиятининг узлуксизлиги ва самарадорлигини таъминлаш, корхона фойдасини максималлаштириш   |
| Аҳоли                 | Ихтиёридаги бўш маблағларини даромад келтирувчи фаолиятга бевосита ёки билвосита инвестициялаш   | Ўз маблағлари ҳисобига юқори даромад олиш  |
| Хорижий инвестор      | Даромад олиш мақсадида ўз хусусий маблағларини хорижий мамлакат корхона ёки муассасалари фаолиятига киритиш, қарз ёки кредит маблағлари тақдим этиш                                  | Янги бозорларга кириб бориш ва эгаллаш, қулай иқтисодий шароит ва арзон ресурслардан фойдаланиш, ўз техника ва технологиялари учун доимий талабни шакллантириш |
| Тижорат банки         | Тижорат фойдасини олиш мақсадида кредит ва қарзлар тақдим этиш   | Тижорат фойдасини максималлаштириш, содиқ мижозлар таркибини кенгайтириш   |

Жадвалда келтирилган асосий ҳолатлар бўйича батафсил тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ:

1) давлатнинг инвестор сифатидаги фаолияти давлат бюджети маблағлари ҳисобидан инвестициялаш жараёнларини амалга ошириш орқали намоён бўлади. Бунда марказлашган инвестиция харажатлари давлат бюджети харажатлари таркибида тасдиқланади. Жумладан, 2021 йилда Давлат бюджети харажатлари 165879 млрд. сўм миқдорида тасдиқланган, бу ЯИМнинг 24,1 фоизи миқдорини ташкил этиб, 2020 йилга (20,1 фоиз) нисбатан қарийб 4 фоизга кўп;

2) корхона инвестор сифатида ўз хусусий маблағлари, яъни устав фонди, қўшилган, захира капитали ва тақсимланмаган фойда ҳисобидан инвестициялаш ва реинвестициялаш жараёнларини амалга оширади. Бунда,

<sup>17</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

аввало, мақсад корхона фаолиятининг узлуксизлиги ва самарадорлигини таъминлашга қаратилади. Яъни корхона ўз фаолиятини барқарор ва мустаҳкам асосга қўйиб олгач, мақсаднинг иккинчи қисми – корхона фойдасини максималлаштириш майдонга чиқади;

3) аҳоли кичик бизнес субъектлари фаолиятида инвестор сифатида ихтиёридаги бўш маблағларини даромад келтирувчи фаолиятга бевосита ёки билвосита инвестициялаш орқали иштирок этади. Бевосита инвестициялаш фуқароларнинг турли корхоналар устав капиталида таъсисчи сифатида иштирок этиш, ўз хисса (улуш) ёки бадалларини қўшиш, ўз маблағларини қарз сифатида тақдим этиш ва бошқа воситалар орқали амалга оширилади. Билвосита инвестициялаш эса акционерлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, хўжалик ширкатларида акциядор, ҳиссадор, улуш-пай эгаси ва бошқа воситалар орқали амалга оширилади. Бунда аҳолининг инвесторлар гуруҳи сифатидаги асосий манфаати – инвестиция сифатида киритилган ўз маблағлари ҳисобига юқори даромад олиш ҳисобланади. Агар баъзи истисно ҳолатлари (масалан, корхона эгаси билан қариндошлик, дўстлик алоқаларининг мавжудлиги) бўлмаса, ўз маблағини тақдим этган шахсларни корхона фаолиятининг умумий муаммолари қизиқтирмайди. Уларнинг корхонага садоқати ўз маблағлари учун олинадиган даромад, дивиденд ёки фоизнинг даражасига боғлиқ. Бу эса кичик бизнес фаолиятидаги жорий иқтисодий тебранишлар вақтида мазкур гуруҳдаги инвесторларнинг ўз маблағларини инвестиция жараёнидан олиб қўйишлари оқибатида турли рискларни келтириб чиқариши мумкин;

4) хорижий инвестор даромад олиш мақсадида ўз хусусий маблағларини хорижий мамлакат корхона ёки муассасалари фаолиятига киритади, қарз ёки кредит маблағлари тақдим этади. Хорижий инвестор сифатида хориждаги корхона ва ташкилотлар, молиявий муассасалар, алоҳида фуқаролар намоён бўлиши мумкин. Хорижий инвесторларнинг ўзга мамлакат кичик бизнес субъектлари фаолиятига инвестиция киритишдан манфаатлари турлича бўлиши мумкин:

- янги бозорларга кириб бориш ва уларда мустаҳкам ўрин эгаллаш;
- қулай иқтисодий шароит ва арзон ресурслардан фойдаланиш;
- ўз техника ва технологиялари учун доимий талабни шакллантириш ва

ҳ.к.

Хорижий инвесторлар бошқа ноиқтисодий тавсифдаги манфаатлари йўлида иқтисодий жиҳатдан анча арзон инвестиция ресурслари таклиф этиши, бунинг ҳисобига рақобатда етакчилиқни қўлга киритиши мумкин. Лекин масаланинг бошқа жиҳати шундаки, хорижий инвестор одатда кичик бизнес субъектлари фаолиятига инвестициялашга нисбатан камроқ қизиқиш билдириб, бу борада унинг манфаатини кучайтирувчи жиҳат – инвестиция объектининг стратегик аҳамият касб этиши ҳисобланади;

5) тижорат банки тижорат фойдасини олиш мақсадида тадбиркорларга инвестиция кредитлари ва қарзлар тақдим этиш орқали инвестор сифатида майдонга чиқади. Унинг асосий манфаати кредит ресурсларини юқори нарх (фоиз ставка)ларда тақдим этиш орқали тижорат фойдасини максималлаштириш, шунингдек, доимий содиқ мижозлар таркибини шакллантириш ва кенгайтиришдан иборат.

Турли даражадаги инвесторлар манфаатдорлигини уйғунлаштириш механизмини кучайтириш ҳар бир тармоқ (соҳа) вазирлиги ёки идораси кесимида амалга оширилиши лозим. Бунинг учун, ҳар бир тармоқ (соҳа) вазирлиги ёки идораси кесимида тармоқ инвестиция сиёсатининг кичик бизнес субъектлари учун мўлжалланган махсус қисми шакллантирилиши лозим (5-расм).

5-расмга кўра, кичик бизнес корхоналари инвестиция фаолиятидаги турли даражадаги инвесторлар манфаатдорлигини уйғунлаштириш механизмини кучайтириш қуйидаги тартибда амалга оширилади:


1) иқтисодиётдаги ҳар бир тармоқ (соҳа) бошқарув идораси (вазирлик) томонидан ишлаб чиқилувчи ва амалга оширилувчи тармоқ (соҳа) инвестиция сиёсати механизмнинг марказий бўғинларидан бири сифатида намоён бўлади;

2) мазкур тармоқ (соҳа) инвестиция сиёсати таркибида ўзига хос хусусият ва тамойиллар ҳисобга олинган ҳолдаги тармоқ(соҳа)даги кичик бизнес корхоналарининг махсус инвестиция сиёсати шакллантирилади. Амалдаги инвестиция сиёсатида кичик бизнес корхоналарининг хусусият ва тамойиллари деярли ҳисобга олинмаган;

3) юқорида кўриб чиқилган тарздаги инвесторлар гуруҳлари бўйича инвестиция манбалари, объектлари ва уларнинг самарадорлик кўрсаткичлари аниқланади. Бунда ҳар бир инвесторлар гуруҳининг ўзига хос манфаатли мақсадлари аниқлаштирилади ва ҳисобга олинади;

4) муайян манфаатга таъсир кўрсатиш восита ва дастаклари (фойда меъёри, фоиз ставкаси, депозит ставкаси, кредит ставкаси, инвестициялар бўйича имтиёз ва енгилликлар, дивидендлар ва бошқалар) бўйича ҳар бир инвесторлар гуруҳи фаолиятини рағбатлантириш ёки чеклаш имкониятлари ва прогнозлари баҳоланади;

5) турли даражадаги инвесторлар манфаатдорлигини уйғунлаштириш жараёнида муайян даврдаги (жорий йил ёки унинг муайян қисмлари, прогноз даври ва ҳ.к.) инвестиция ресурслари бозори конъюнктураси, инвестиция сиёсатининг муайян мақсадлари ва бошқа ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир инвесторлар гуруҳи манфаатларининг ҳисобга олинадиган улуши аниқланади.



**5-расм. Кичик бизнес корхоналари инвестиция фаолиятидаги турли даражадаги инвесторлар манфаатдорлигини уйғунлаштириш механизми<sup>18</sup>**

Мазкур улуш ўз мазмунига кўра коррективровка (тузатиш) коэффициенти ролини бажариб, ҳар бир инвесторлар гуруҳининг инвестиция манбаи сифатидаги иштирокини аниқлашга ёрдам беради. Умумий ҳолда максимал даражадаги самарадорликни таъминловчи инвестиция таркиби қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$ИТ_{КБ} = \alpha_1 x_1 + \alpha_2 x_2 + \dots + \alpha_n x_n = \sum_{i=1}^n \alpha_i x_i,$$

Бу ерда:  $ИТ_{КБ}$  – кичик бизнес корхоналаридаги инвестиция фаолиятининг максимал даражадаги самарадорлигини таъминловчи инвестиция таркиби;


$x$  – муайян инвесторлар гуруҳи томонидан кичик бизнес корхоналари инвестиция фаолиятига киритилиши мумкин бўлган инвестиция маблағлари;

$\alpha$  – ҳар бир инвесторлар гуруҳи манфаатларининг ҳисобга олинган улуши (коррективровка (тузатиш) коэффициенти);

<sup>18</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

$i = 1 \dots n$  – кичик бизнес корхоналари инвестиция фаолиятини таъминлаш учун зарур маблағларни шакллантиришда иштирок этиши мумкин бўлган инвесторлар гуруҳи сони.


Тадқиқотлар кўрсатадики, мамлакатда қулай инвестиция муҳитини яратиш масалаларига умумий ҳолда ёндашиб келинмоқда. Бу эса мазкур жараёнларда кичик бизнес субъектларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш ва мақсадга мувофиқ ривожлантириш имконини бермайди. Шунга кўра, тадқиқотчининг фикрича, иқтисодиётдаги умумий қулай инвестиция муҳити таркибидан кичик бизнесдаги қулай инвестиция муҳитини шартли равишда ажратиб олиш ҳамда мазкур соҳадаги фаолиятни самарали ташкил этиш муаммоларини тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ (6-расм).



**6-расм. Кичик бизнесдаги қулай инвестиция муҳитининг шартли равишда белгилаб олиниши<sup>19</sup>**

Шунингдек, бугунги кунда мамлакатда кичик бизнес субъектлари фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга боғлиқ. Қулай инвестиция муҳити эса кичик бизнеснинг бевосита инвестиция фаолияти учун зарур инфратузилма объектлари билан таъминланганлик даражасига боғлиқ. Шунга кўра, мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланишнинг юқорида қайд этилган икки жиҳатини уйғунлаштирувчи механизмни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқ (7-расм).

<sup>19</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.



**7-расм. Кичик бизнес субъектлари фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланишни инвестиция муҳити ва инфратузилма даражаси жиҳатидан уйғунлаштирувчи механизм<sup>20</sup>**

Расмдан кўринадики, кичик бизнес субъектлари фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланишни таъминлашда иккита йўналиш – қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ҳамда инфратузилма даражаси ўзаро боғлиқликда ўрганиб чиқилади.

Кичик бизнес соҳаси учун шаклланган инвестиция муҳити даражасини ҳам алоҳида баҳолаш мумкин. Кичик бизнеснинг қулай инвестиция муҳитини ташкил этиш учун мутасадди ташкилотлар, агар бу ҳудуд кесимида олинса, маҳаллий ҳокимиятнинг кичик тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича бўлимлари (мутахассислари), Савдо-саноат палатаси ҳамда Инвестиция ва ташқи савдо вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ва бошқалар; агар бу тармоқ кесимида олинса, тегишли тармоқ вазирлиги ёки идорасининг масъул мутахассислари томонидан инвестиция муҳитининг асосий омиллари аҳамиятлилик даражасига кўра танланади. Муҳим томони шундаки, бунда барча омиллар камраб олинмай, балки бевосита таъсир кўрсатувчи, энг муҳим (3-4 та) омиллар танлаб олинади. Мазкур омиллар таркиби ҳудуд ёки тармоққа мансублиги жиҳатидан фарқ қилиши мумкин.

<sup>20</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Кейинги жараёнда танлаб олинган омиллarning энг мукаммал (максимал) шартлари белгилаб олинади (8-расм). Мазкур шартларни ифодаловчи мезонлар ишлаб чиқилади ва уларга муайян балл баҳолари бириктирилади. Кейинчалик мазкур ҳолатларни ўзаро таққослаш имконини ҳосил қилиш учун уларнинг максимал суммаси аниқланади.



**8-расм. Кичик бизнес учун бевосита қулай инвестиция муҳитининг энг мукаммал (максимал) шартлари белгилаб олиниши<sup>21</sup>**

Кичик бизнеснинг қулай инвестиция муҳитини баҳолаш икки хил тарзда амалга оширилиши мумкин:

1) танлаб олинган омиллар энг мукаммал (максимал) шартларининг баллдаги суммасидан кичик бизнес қулай инвестиция муҳити ҳақиқий (амалдаги) ҳолати баллдаги суммасининг фарқини аниқлаш орқали. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Phi_{\text{ум}} = M_{\text{ҳақ}} - M_{\text{max}} = \sum_{j=1}^n O_j - \sum_{i=1}^n O_i, \quad (1)$$

бу ерда:

$\Phi_{\text{ум}}$  – танлаб олинган омиллар энг мукаммал (максимал) шартларининг баллдаги суммасидан кичик бизнес қулай инвестиция муҳити ҳақиқий (амалдаги) ҳолати баллдаги суммасининг фарқи;

<sup>21</sup> Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

$M_{\text{ҳақ}}$  – кичик бизнес қулай инвестиция муҳити ҳақиқий (амалдаги) ҳолатининг баллдаги суммаси;

$M_{\text{max}}$  – омиллар энг мукамал (максимал) шартларининг баллдаги суммаси;

$O_j$  – кичик бизнеснинг ҳақиқий (амалдаги) қулай инвестиция муҳити  $j$ -омили;

$O_i$  – кичик бизнеснинг энг мукамал (максимал) шартлардаги қулай инвестиция муҳити  $i$ -омили.

2) ҳар бир танлаб олинган алоҳида омил бўйича мукамал (максимал) шарт балл баҳосидан кичик бизнес қулай инвестиция муҳити тегишли омили ҳақиқий (амалдаги) ҳолатининг балл баҳоси фарқини аниқлаш орқали. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\Phi_{\text{ал}} = O_j - O_i, \quad (2)$$

бу ерда:

$\Phi_{\text{ал}}$  – танлаб олинган муайян омил энг мукамал (максимал) шартининг баллдаги баҳосидан кичик бизнес қулай инвестиция муҳити ҳақиқий (амалдаги) ҳолати баллдаги баҳоси фарқи;

$O_j$  – кичик бизнеснинг ҳақиқий (амалдаги) қулай инвестиция муҳити  $j$ -омили;

$O_i$  – кичик бизнеснинг энг мукамал (максимал) шартлардаги қулай инвестиция муҳити  $i$ -омили.

Кичик бизнес қулай инвестиция муҳитини баҳолашнинг юқори аниқлик даражасида амалга оширилиши пировардида кичик бизнес субъектлари инвестиция фаолиятининг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

## ХУЛОСА

1. Кичик бизнес фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари инвестицияларни жалб этиш жараёнига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, жумладан, кичик бизнес фаолиятининг миқёслари чекланганлиги жалб қилинадиган инвестиция маблағлари ҳажмининг ҳам нисбатан кам бўлишига; қарз маблағларига эҳтиёжнинг бирмунча кучли бўлишига; инвестициялар кўпроқ бошланғич капитал сифатида тақозо этилиши ва муддати жиҳатидан қисқа ва ўрта муддатга мўлжалланган бўлишига; кичик бизнесда инвестицияларнинг салмоқли қисми реал инвестиция сифатида намоён бўлишига олиб келади.

2. Инвестицияларнинг мамлакат ҳудудлари, иқтисодиёт тармоқлари, асосий капиталга қўйилмаларнинг технологик тузилиши, йўналишлари, молиялаштириш манбалари бўйича таркибий тузилмаси бозор механизми талаблари таъсирида оптимал тарзда шаклланса, у ҳолда инвестициялардан фойдаланиш ҳам самарали бўлади. Иқтисодиётда маъмурий тақсимот дастаклари устувор амал қилган шароитда эса ушбу нисбатлар муқаррар

равишда бузилади. Шунга кўра, инвестицияларнинг таркибий тузилишини тартибга солишга эҳтиёж сезилади.

3. Кичик бизнес фаолиятидаги инвестициялар таркибий тузилмаси шаклланишидаги объектив жараёнлар сифатида қайд этиш мумкинки, якка тадбиркор, микрофирма ва кичик корхоналар салмоқли қисмининг фаолияти маҳаллий инвестицион ресурс ҳисобига таъминланади. Шу жиҳатдан, инвестицияларнинг маълум қисми нисбатан “ўтроқ”, яъни улар ҳудудлараро инвестицион шароитлар (фойда нормаси, фоиз ставкаси, сифатли инфратузилма, юқори талабли бозорлар, имтиёз ва енгилликлар) таъсирига у қадар берилмаслиги мумкин. Бироқ шундай ҳолатда ҳам, маълум даражада маҳаллий инвестицион ресурсларнинг юқоридаги омиллар таъсирида ҳаракатланиши муқаррар.

4. Кичик бизнес фаолиятини инвестицион кредитлашдаги асосий муаммолардан бири кредит маблағлари тақдим этилган корхонанинг хомашё етказиб берувчи ёки маҳсулотини харид қилувчи корхоналар билан хўжалик алоқаларининг етарли йўлга қўйилмаслиги сабабли фаолиятнинг тўхтаб қолиши ҳисобланади. Шунга кўра, ягона технологик ишлаб чиқариш занжирининг (масалан, хомашё етказувчи, яримтайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва ҳ.к.) потенциал “бўғинлари” сифатида намоён бўлиши мумкин бўлган корхоналар гуруҳини биргаликда инвестицион кредитлаш тартибидан фойдаланиш мазкур муаммонинг самарали ечими ҳисобланади.

5. Мамлакат ҳудудлари кичик бизнес корхоналаридаги асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмини ошириш учун “тармоқ + ҳудуд” кесимидаги кичик бизнес корхоналари инвестиция дастурларининг ишлаб чиқилиши мазкур жараёндаги барча муаммоларнинг тизимли ҳал этилиши учун қулай имконият яратади.

6. Кичик бизнес фаолиятида инвестициялардан самарали фойдаланиш турли даражадаги инвесторларнинг манфаатдорлиги ҳисобга олинишини талаб этади. Турли даражадаги инвесторлар манфаатдорлигини уйғунлаштириш механизмини кучайтириш мақсадида ҳар бир тармоқ кесимида инвестиция сиёсатининг кичик бизнес субъектлари учун мўлжалланган махсус қисмини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

7. Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини кредитлашда муайян корхона хусусий инвестиция муҳитининг тегишли тармоқ бўйича қулай инвестиция муҳитининг мукамал (максимал) шартларига мувофиқлик даражасини ҳисобга олиш соҳада инвестиция фаолиятини самарали ташкил этишга ижобий таъсир кўрсатади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ № DSc.09/31.08.2022.I.151.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ БАНКОВСКО-ФИНАНСОВОЙ  
АКАДЕМИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

---

**БАНКОВСКО-ФИНАНСОВАЯ АКАДЕМИЯ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**НЕМАТУЛЛОЕВ СУХРОБ СОБИРОВИЧ**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕХАНИЗМОВ ЭФФЕКТИВНОГО  
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИНВЕСТИЦИЙ В ДЕЯТЕЛЬНОСТИ  
МАЛОГО БИЗНЕСА В УЗБЕКИСТАНЕ**

**08.00.07 – Финансы, денежное обращение и кредит**

**АВТОРЕФЕРАТ  
диссертации доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2022.2.PhD/Iqt2388 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.**

Диссертация выполнена в Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.bfa.uz](http://www.bfa.uz)) и информационно - образовательном портале «ZiyoNET» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Гафуров Убайдулло Вахабович**  
доктор экономических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Атаниязов Жасурбек Хамидович**  
доктор экономических наук, профессор

**Ахмедов Жавохир Жамолович**  
доктор философии по экономическим наукам

**Ведущая организация:** **Высшая школа бизнеса и предпринимательства при Министерстве экономического развития и сокращения бедности Республики Узбекистан**

Защита диссертации состоится в \_\_\_\_\_ часов «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 г. на заседании Научного совета №DSc.9/31.08.2022.I.151.01 по присуждению ученых степеней при Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан (Адрес: 100000, город Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Мавераннахр, д. 16. Тел.: (99871) 237-54-09, факс: (99871) 237-50-11. e-mail: [office@bfa.uz](mailto:office@bfa.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан (зарегистрирована под номером \_\_\_\_\_). (Адрес: 100000, город Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Мавераннахр, д. 16. Тел.: (99871) 237-54-09, факс: (99871) 237-50-11. e-mail: [office@bfa.uz](mailto:office@bfa.uz)).

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.

(реестр протокола рассылки №\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.

**Н.Х.Жумаев**

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

**Ш.А.Хусаинов**

Секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, к.э.н., доцент

**С.Э.Элмирзаев**

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (Аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой экономике малый бизнес завоевывает все более прочные позиции и приобретает важное значение в обеспечении национальной и международной конкурентоспособности стран. Высокая эффективность малого бизнеса зависит от многих факторов, а также от эффективного использования инвестиций. Такие особенности, как небольшой масштаб и несколько ограниченное осуществление деятельности усиливают необходимость поддержки и стимулирования процесса инвестирования в малый бизнес. В развитых странах мира большое внимание уделяется формированию механизмов, включающих различные инструменты и рычаги и совершенствованию на основе современных подходов в эффективном осуществлении инвестиционной деятельности малого бизнеса. Поэтому и в развитых странах доля услуг, оказываемых субъектами предпринимательства составляет 70-75 процентов в ВВП, а большую часть населения, занятого в экономике, составляет население, занятое в субъектах предпринимательства, в том числе в Японии данный показатель составляет 70 процентов, и в США - более 80 процентов<sup>1</sup>.

В настоящее время во всем мире проводятся важные научные исследования по привлечению инвестиций, в том числе иностранных, в деятельность малого бизнеса. В этой связи важными направлениями научных исследований являются повышение инвестиционной привлекательности субъектов малого бизнеса по видам экономической деятельности и региона, совершенствование инвестиционного климата отрасли, стимулирование инвестиционных процессов субъектов малого бизнеса, повышение эффективности инструментов и рычагов в них, внедрение новых привлекательных рычагов финансирования малых предприятий и микрофирм, обеспечение согласованности интересов разных инвесторов.

В Узбекистане уделяется внимание всестороннему развитию малого бизнеса и частного предпринимательства для обеспечения социально-экономического развития. В результате системной поддержки данного сектора государством, создания благоприятных условий для предпринимательской деятельности и создания бизнес-среды значение малого бизнеса все больше возрастает в экономике. “В результате улучшения бизнес-среды в 2021 году предпринимателями построено более 55000 зданий для бизнеса. Количество предпринимателей с доходом более 1 млн. долларов увеличилось на 5 тысяч и составило 26 тысяч человек”<sup>2</sup>. Предпринимаются важные меры по более широкому использованию экономического потенциала и возможностей малого бизнеса. В этой связи одним из важнейших направлений в этой связи является расширение инвестиционной активности предприятий малого бизнеса, диверсификация источника его

---

<sup>1</sup> Статистические данные Всемирного банка. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org).

<sup>2</sup> Из речи Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на открытом диалоге с предпринимателями 22 августа 2022 года. <https://president.uz/uz/lists/view/5449>.

инвестиционных ресурсов. Эффективная реализация подобных задач требует научного исследования таких вопросов, как финансирование субъектов малого бизнеса, в том числе инвестиционное кредитование, повышение эффективности инвестиционных программ субъектов малого бизнеса, согласование интересов инвесторов разного уровня, совершенствование инвестиционного климата субъектов малого бизнеса.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации задач, определенных указами Президента Республики Узбекистан №УП-60 “О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы” от 28 января 2022 года, №УП-5495 “О мерах по кардинальному улучшению инвестиционного климата в Республике Узбекистан” от 1 августа 2018 года, постановлениях Президента Республики Узбекистан №ПП-5233 “О мерах по обеспечению инвестиционных проектов внешней инфраструктурой” от 25 августа 2021 года, №ПП-3794 “О дополнительных мерах по ускоренной реализации инвестиционных и инфраструктурных проектов” от 20 июня 2018 года, №ПП-2836 “О повышении качества разработки предпроектной документации инвестиционных проектов” от 5 марта 2017 года, постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан № 445 “О дополнительных мерах по совершенствованию порядка разработки перспективных инвестиционных проектов” от 16 июля 2020 года, № 616 “Об организационных мерах по внедрению и эксплуатации информационной системы в сфере контроля и мониторинга реализации инвестиционных проектов” от 22 июля 2019 года, №285 “О мерах по повышению ответственности организаций - инициаторов проектов за своевременную и качественную реализацию инвестиционных проектов” от 15 мая 2017 года, а также других нормативно-правовых актах, относящихся к данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий I. «Духовное, нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

**Степень изученности проблемы.** Научные исследования по вопросам привлечения в отрасли экономики инвестиций, в том числе иностранных инвестиций, были изучены в работах зарубежных ученых-экономистов, таких как Zhilun Jiao., Muhammad Shehryar Shahid., Nawazish Mirza., Zhixiong Tan, Sandip Rakshit., Nazru Islam., Sandeep Mondal., Tripti Paul, Nebojsa S. Davcik., Silvio Cardinali., Piyush Sharma., Elena Cedrola, Ștefan Cristian Gherghina, Mihai Alexandru Botezatu, Alexandra Hosszu, Liliana Nicoleta Simionescu, Shuo Huang, Bach Nguyen, Sonia Baños-Caballero, Pedro J. García-Teruel, Endrit Kromidha., Paul JA Robson, Nana Shonia, Zurab Mushkudiani, Maia Siradze, Lewandowska, A., Bilan, Y., & Mentel, G., Kaleemullah A., Ashraful A., Min (Anna) Du., Toan L. D., Ю.А.Чайран, А.А.Лукьянова,

Д.В.Муха и других<sup>3</sup>. В условиях Узбекистана различные аспекты инвестиций, в частности, вопросы привлечения иностранных инвестиций, были изучены в научных исследованиях ряда ученых и специалистов, таких как А.Ш.Бекмуратов, Д.Г.Газибеков, Н.Г.Каримов, Ш.И.Мустафакулов, Н.Р.Кузиева, Ш.Р.Ражаббаев, Э.И.Носиров, Б.Ш.Муминов, М.А.Раимжанова, С.А.Абдурахимова, Ж.Ж.Ахмедов и других ученых<sup>4</sup>. Общие аспекты развития предпринимательской деятельности нашли своё отражение в научных работах ученых Узбекистана, таких как У.В.Гафуров, Д.Т.Юлдашев, Х.П.Абулкасимов, М.М.Ибрагимова<sup>5</sup>, а также в научных

---

